

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 14 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 495

Toshkent sh.

**Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали
худудга айлантириш чора-тадбирларни дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Бухоро вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳаёт даражасини ошириш, муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда вилоятни ушбу йўналишда намунали худудга айлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда “Оила” маркази деб аталади) Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали худудга айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2019 йилда Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали худудга айлантириш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Бухоро вилоятида ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашнинг йўналишлар бўйича тақсимоти ва манзилли рўйхати тегишлича 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобига Бухоро вилоятида оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва оилаларга ажратиладиган реабилитация техник воситалари тақсимоти 3-иловага мувофиқ;

2019 йилда Бухоро вилоятида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобига ўз тадбиркорлигини ташкил этадиган хотин-қизларнинг туман (шаҳар)лар бўйича асосий параметрлари ва манзилли рўйхати тегишлича 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухоро вилояти ҳокимлигининг 5-иловага мувофиқ биноларни (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) Бухоро вилоятида оғир ижтимоий вазиятдаги уй-жойга муҳтож аёллар учун қайта ихтисослаштириш йўли билан реконструкция қилган ҳолда, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди сифатида ижтимоий турар жойларга айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Объектларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли туман ҳокимликлари маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгилансин.

Объектларни реконструкция қилиш доирасида:

Бухоро вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси – буюртмачи этиб белгилансин;

объектларни реконструкция қилиш ишларини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда танлов асосида аниқлансин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда объектларда ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини жойлаштиришни назарда тутган ҳолда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ушбу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

6. Белгилансинки:

ушбу қарорга 4-иловадаги тақсимотга мувофиқ Бухоро вилоятида оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва оилаларга ажратиладиган реабилитация техник воситалари Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатга мувофиқ берилади;

ижтимоий турар жойлар Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) вақтинча яшаш учун уй-жой қонунчилиқда белгиланган тартибда текин фойдаланишга бериш шартномаси асосида берилади;

объектларнинг ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тадбиркорлик субъектларига “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали ҳамда мактабгача таълим муассасаларига айлантириладиган қисми белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилади.

7. Бухоро вилояти ҳокимлиги шаффофлик ва ошкоралиқ принципларига риоя этиш асосида ижтимоий турар жойларда вақтинчалик яшашга талабгорларни танлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Ушбу низомда қуйидагилар назарда тутилсин:

ижтимоий турар жойларда вақтинчалик яшаш учун талабгорларни аниқлаш, турар жойларни тақсимлаш ҳамда ушбу жараёнларда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

ижтимоий турар жойлардан мақсадли фойдаланиш тартибини, талабгорларни вақтинча яшаш муддатини, шартнома имзолайдиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

талабгорлар билан уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари асосида тузилишини таъминлаш;

ижтимоий турар жойларда вақтинчалик яшаётган хотин-қизларнинг турмуш шароити, ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд ҳолатини яхшилаган ҳолда ижтимоий турар жойлардан чиқариш тартибини белгилаш.

8. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” маркази, Бухоро вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ижтимоий турар жойларда вақтинчалик яшайдиган хотин-қизларнинг турмуш шароитларини ҳамда ижтимоий ҳолатини яхшилаш, уларни кийин вазиятдан олиб чиқишга кўмаклашиш борасида манзилли ишларни ташкил этсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2019 йил якуни бўйича Бухоро вилояти тажрибасини ўрганган ҳолда 2020–2021 йилларда республиканинг бошқа ҳудудларида ижтимоий турар жойларни қуриш бўйича тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

10. Бухоро вилояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари билан биргаликда дастурга киритилган тадбирлар амалга оширилишининг аниқ муддатлари кўрсатилган тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

вилоятда ташкил этилган “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” орқали хотин-қизларни, айниқса, кийин аҳволга тушиб қолган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

ҳар ойда бир марта ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлар даражасида хотин-қизлар йўналишидаги ҳал қилинмаган муаммоли масалалар ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

11. Бухоро вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда вилоятда ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

Бунда, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш йўналишида тикув-трикотаж корхоналарига 902 нафар, пиллачиликка жалб этиш орқали 6812 нафар, “устоз-шогирд” тизими асосида хунармандчиликка жалб этиш орқали 2261 нафар, томорқачилик йўналишида 2400 нафар ва бошқа йўналишларда 4625 нафар аёлларнинг бандлигини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

вилоятдаги оғир ижтимоий аҳволда бўлган хотин-қизларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини алоҳида режа асосида ташкил этсин;

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда ушбу қарорга 4-иловага мувофиқ хотин-қизларга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламаси ва бошқа реабилитация воситалари манзилли етказилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда вилоятда тажриба тариқасида нотинч оилалар ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ишлашда, улар ўртасида салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминловчи электрон дастурни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идора ва нодавлат ноижорат ташкилотлар билан биргаликда Бухоро вилоятидан ва босқичма-босқич бошқа ҳудудлардан жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган хотин-қизларни кафиллик асосида авф этиш бўйича тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссияга киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор ва психолог штатларини жорий этиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда Ички ишлар вазирлиги бўйича жами тасдиқланган штат бирликлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича алоҳида бошқарма, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида унинг бўлимларини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси икки ҳафта муддатда тажриба-синов тариқасида Бухоро вилояти туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича мутахассисларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, ушбу тартиб асосида 2019 йил якуни бўйича уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берсин.

15. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов ва Бухоро вилояти ҳокими Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 14 июндаги 495 -сон қарорига
1-илова

**2019 йилда Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш
ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш				
1.	Оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, никоҳга киришаётган ёшларнинг масъулиятини ошириш, ажралиш ҳолатларида жавобгар ва даъвогар томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд амалиётни ўрганиш ҳамда ушбу жараёни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.	1. Ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. Ҳудудларда ўрганишлар натижасида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш. 3. Никоҳни бекор қилиш жараёнида давлат божи ставкаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2019 йил июнь июль сентябрь	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази (“Оила” маркази)
2.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга узоқ муддатга хорижий давлатларга чиқиб кетаётган аёллар фарзандига васий ёки ҳомий тайинлангандан сўнг чиқишга руҳсат берилиши юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган таклифларни мутахассислар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилган ҳолда таҳлилий ўрганиб чиқиб, зарурат бўлганда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2019 йил июль сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази
II. Хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ҳамда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш				
3.	Вилоятда профилактик ҳисобда турган аёллар ва уларнинг оилаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш чораларини белгилаш.	1. Ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хотин-қизларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш. 2. Тегишли комиссияларнинг моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг	2019 йил июнь июнь	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

		<p>ижтимоий аҳволини атрофлича ўрганиб чиқиши ва моддий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>3. Ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар билан яқка тартибда профилактик тадбирлар ўтказиш.</p> <p>4. Ваколатли идоралар ва ташкилотлар томонидан хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.</p>	<p>режа асосида</p> <p>мунтазам</p>	<p>мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>
4.	<p>Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож, профилактик ҳисобда турадиган аёлларнинг алиментини ундириш, шахсига оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва фуқаролик муносабатлари доирасида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.</p>	<p>1. Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш.</p> <p>2. Хотин-қизларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини белгилаш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль-август</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги</p>
5.	<p>Вилоятдаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ва ногиронлиги бўлган 246 нафар хотин-қизларни ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари билан таъминлаш.</p>	<p>1. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни қайта ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Уларга зарур бўлган аравачалар, эшитиш мосламалари тақсимотини туман (шаҳар) бўйича ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобига реабилитация воситаларини харид қилиш чораларини кўриш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июнь</p> <p>июнь</p>	<p>Соглиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги</p>
6.	<p>Ота-оналари чет элга узоқ муддатга чиқиб кетган оилаларнинг фарзандлари билан алоҳида ишлаш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>1. Туманлар бўйича ота-оналари чет элда бўлган болаларнинг маълумотларини шакллантириш.</p> <p>2. Ота-оналари чет элда бўлган болаларнинг оилавий ҳолатини ўрганиш.</p> <p>3. Ота-оналари миграцияда бўлган болаларга зарур мутахассисларни бириктириш.</p> <p>4. Ота-оналарини чет эллардан қайтаришда хотин-қизлар кўмиталари мутахассисларининг улар билан мулоқотини ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль</p> <p>июль</p> <p>мунтазам</p>	<p>Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>
7.	<p>Суицид қилишга мойил хотин-қизлар, айниқса, таълим муассасаларида ўқувчи қизлар</p>	<p>1. Руҳиятида ўзгариш бўлган қизларнинг, айниқса, таълим муассасалари ўқувчилари</p>	<p>2019 йил июнь</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Касб-ҳунар таълими</p>

	билан якка тартибдаги психологик ва маънавий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	<p>рўйхатларини шакллантириш.</p> <p>2. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган психологлар малакасини ошириш чора-тадбирларини белгилаш.</p> <p>3. Таълим муассасаларида таъсирчан профилактик тадбирлар ўтказиш режасини ишлаб чиқиб амалга ошириш.</p>	<p>июль-август</p> <p>сентябрь ойидан</p>	<p>маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика маънавият ва маърифат маркази</p>
III. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш				
8.	Вилоятда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш юзасидан зарур тадбирлар белгилаш.	<p>1. Ёрдамга муҳтож, биринчи навбатда ишлаш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ҳар бир хонадонга уйма-уй кириш орқали уларнинг тадбиркорликка бўлган эҳтиёжини ўрганиш ҳамда талаб ва истаклари асосида тадбиркорликнинг қайси турига лаёқати борлигини ўрганиш.</p> <p>3. Вилоятдаги “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази”да хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқишини ташкил қилиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль</p> <p>режа асосида алоҳида</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Марказий банк, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши</p>
9.	Вилоятдаги оғир турмуш шароитида яшаётган, ишга муҳтож хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш.	<p>1. Маҳаллалар кесимида ишсиз, ишлаш истагини билдирган оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг рўйхатини қайта ўрганиб чиқиш.</p> <p>2. Туман ва шаҳарлар кесимида оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>алоҳида режа асосида</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Хунарманд” уюшмаси</p>
10.	Вилоятдаги 2 261 нафар ишлаш истагидаги хотин-қизларни “устоз-шогирд” тизими асосида хунармандчиликка ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш.	<p>1. Туманлар ва шаҳарлар бўйича хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг 2 261 нафарини жойлардаги тажрибали хунармандларга “устоз-шогирд” тизими асосида бириктириш.</p>	<p>2019 йил июнь ойидан бошлаб</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, тижорат банклари</p>

		<p>2. Вилоятда хунармандчилик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банкларидан имтиёзли кредит маблағларини олишда амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>3. Бириктирилган хотин-қизларнинг иш фаолиятини таҳлил қилиб бориш.</p>	<p>мунтазам равишда</p> <p>ҳар ойда</p>	
<p>IV. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарлик профилатикасини тизимли ташкил қилишда ҳамкорликни таъминлаш</p>				
11.	<p>Жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган Бухоро шаҳар, Олот, Қоракўл ва Гиждувон туманларида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Ҳар бир маҳаллада обрўли нуроний онахонлар, фаол аёллардан иборат ишчи гуруҳни ташкил этиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан уйма-уй юрган ҳолда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга мойиллиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Рўйхатдаги хотин-қизларнинг оиласидаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ манзилли чораларни белгилаш.</p> <p>4. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган хотин-қизларнинг ҳар бирига нуроний онахонлар, фаол аёлларни бириктириш ва ҳолидан доимий хабар олиб турилишини таъминлаш.</p> <p>5. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати юқори бўлган Бухоро шаҳар, Олот, Қоракўл ва Гиждувон туманларидаги ишларни танқидий ўрганиш ва натижаларини вилоят ҳокимлиги йиғилишида муҳокама қилиш ва мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль</p> <p>июль</p> <p>доимий</p> <p>мунтазам</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги</p>
12.	<p>Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича мутахассисларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида</p>	<p>1. Ўқув курсларида иштирок этадиган мутахассисларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув курсларининг намунавий дастури,</p>	<p>2019 йил июнь-июль</p> <p>июнь</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” маркази, Ички ишлар вазирлиги, Олий</p>

	Ўқув курсларини ташкил қилиш.	мавзулар рўйхати ва ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Ўқув курсларида дарс жараёнларини олиб борадиган мутахассисларни жалб қилиш.	июнь	ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита
13.	Бухоро вилоятидаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича мутахассислар ва ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш бўйича профилактика (катта) инспекторларини ахборот алмашуви тезкорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан дастурий таъминот ўрнатилган планшетлар билан таъминлаш.	1. Дастурий таъминот ўрнатилган планшетлар билан таъминлаш юзасидан маблағ ажратиш. 2. Харид қилинган планшетларга тегишли дастурий таъминотларни ўрнатиш. 3. Планшетларга ўрнатилган дастурий таъминотлардан фойдаланиш тартибини ўргатиш.	2019 йил июнь июнь июль	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши
14.	Хотин-қизлар ўртасида содир этилган жиноятларнинг сабабларини ҳамда уларнинг оилавий аҳволини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш.	1. Жиноят содир қилган ва жиноят содир этишга мойиллиги бўлган оилалар рўйхатини тузиш. 2. Оилаларда аниқланган муаммоларни баргараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан зарур чораларни белгилаш. 3. Жиноят содир этганларнинг оиласидан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар билан биргаликда доимий хабар олиш ҳамда бундай ҳолатга тушиб қолмаслик учун мунтазам, тизимли ишларни жорий этиш.	2019 йил июнь июль мунтазам	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Ички ишлар вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши
15.	Когон шаҳридаги “Фуркат”, “Хўжабарги” ва Бухоро шаҳридаги “Садриддин Айний” маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий вазиятни тартибга солиш юзасидан ҳамкорликдаги тадбирларни амалга ошириш.	1. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш. 2. Ушбу маҳаллаларга келиб кетадиган фуқаролар билан профилактика инспекторларининг индивидуал ишлашини назорат қилиш.	2019 йил июнь доимий	Ички ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

		3. Маҳаллаларда оилалар билан ишлаш юзасидан тизимли тадбирлар, учрашувлар ташкил қилиш.	доимий	мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Оила” маркази
V. Оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва оилаларни мустаҳкамлашда маънавий-маърифий ҳамда маданий тарғибот ишларини кучайтириш				
16.	Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш тизимини такомиллаштириш.	1. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар аниқланган ёшлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. 2. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрловчи “Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби” ўқув курсларида “Никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиш моҳияти ва зарурияти” мавзусида ўқув материалларини тайёрлаш. 3. Шу соҳага оид ижтимоий роликлар ишлаб чиқиш.	2019 йил июнь-июль август сентябрь	“Оила” маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи
17.	Турли оилавий низолар сабаб ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш ва ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш чораларини кўриш.	1. Ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг туманлар бўйича рўйхатини шакллантириш. 2. Маҳалла фуқаролар йигини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзолари иштирокида оилаларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва яраштириш чораларини кўриш. 3. Ажрим учун судларга мурожаат қилган оилалар билан уларнинг судга мурожаатига қадар ишлаш тизимини жорий қилиш.	2019 йил июнь ҳар ойда мунтазам чора-тадбир ишлаб чиқиш – июнь амалга ошириш – йил давомида	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита
18.	Ноқонуний никоҳ асосида яшаётган оилаларнинг никоҳини қонунийлаштириш ҳамда мудлати ўтган туғилишларни ўз вақтида расмийлаштириш чораларини белгилаш.	1. Вилоят бўйича ноқонуний никоҳ асосида яшаётган 324 нафар оилаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.	2019 йил июнь	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи

		<p>2. Ушбу оилалар билан яқка тартибда ишлаш ва ноқонуний никоҳ асосида яшаётганлигининг сабаблари ва муаммоларини ўрганиш.</p> <p>3. Ноқонуний никоҳ асосида яшаётган 324 та оилаларнинг никоҳини қонуний расмийлаштириш.</p>	<p>режа асосида</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши</p>
19.	<p>Таълим муассасаларининг ўқув дастурларига соғлом турмуш тарзини олиб борнш ҳамда соғлом овқатланиш ва жисмоний фаолликни кўллаб-қувватлашга қаратилган ўзгартиришларни киритиш бўйича амалий чораларни кўриш.</p>	<p>1. Умумтаълим мактабларининг I-IV синфларида “Саломатлик дарслари” ўқув курси, атрофимиздаги олам, табиатшунослик, жисмоний тарбия фанлари, V-VIII синфларда “Соғлом авлод асослари” ва IX-X синфларда “Соғлом турмуш маданияти” ўқув курслари, биология, технология, жисмоний тарбия фанлари доирасида интеграциялашган ҳолда ўқитилиши мавзуларни қайта кўриб чиқиш.</p> <p>2. Турли ёш гуруҳлари орасида фокус гуруҳларини ташкил қилган ҳолда соғлом турмуш тарзи асослари, жумладан шахсий гигиена қоидалари, соғлом овқатланиш тамойиллари, репродуктив саломатлик ва оилавий ҳаёт сабоқлари, зарарли одатларга қарши кураш ва касалликлар профилактикаси каби мавзуларда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ташкил қилиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>йил давомида</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Соғликни сақлаш вазирлиги, “Оила” маркази, Репродуктив саломатлик маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси</p>
20.	<p>Хотин-қизлар кутубхоналари учун ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари ёритилган 270 турдаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарларни 20 минг нусхада чоп этиш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Хотин-қизлар учун зарур бўлган китоблар тури ва рўйхатини тузиш.</p> <p>2. Туманлар бўйича китобларни тарқатиш таксимотини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Чекка ҳудудга бериладиган китобларни тантанали топшириш тадбирларини ташкил қилиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль</p> <p>июль ойидан бошлаб</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази</p>
21.	<p>Бухоро вилоятининг Жондор, Когон, Ғиждувон ва Қоровулбозор туманларида оилавий ажралишларнинг сони ошганлиги сабабларини комплекс ўрганиш,</p>	<p>1. Ажралиш сабабларини ўрганиш мақсадида республика ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Жойларда ўрганиш ишларини ташкил этиш ва таҳлилий маълумотларни тайёрлаш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июнь-</p>	<p>“Оила” маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш</p>

	ажралишларнинг олдини олиш чораларини белгилаш.	<p>3. Ишчи гуруҳ хулосалари асосида республика миқёсида оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида илмий асосланган тадқиқот ишланмасини яратиш.</p> <p>4. Ишланмани республика миқёсида кенг тарғиб қилиш ва тақдимотини ташкил этиш.</p>	<p>июль август</p> <p>сентябрь</p>	<p>органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Бухоро вилояти ҳокимлиги</p>
22.	Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятда оила муқаддаслигини тарғиб этувчи комплекс тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Аҳоли ўртасида оила мустаҳкамлигини тарғиб қилиш юзасидан рисола, буклетлар туркумини тайёрлаш.</p> <p>2. Телевидение, ижтимоий саҳифалар орқали оила муқаддаслиги, унинг жамиятда тутган ўрнини оширишга қаратилган ижтимоий роликларни тайёрлаш.</p> <p>3. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, оилаларнинг ҳаётини ёритувчи ва аҳоли, айниқса, аёллар ҳамда ёшлар учун ўрнатилган қаҳрамонлар образини яратиш ва уларнинг тарғиботини йўлга қўйишга хизмат қиладиган бадиий, хужжатли, мультипликацион, қисқа метражли фильмлар, телесериал ва спектакллар яратиш.</p> <p>4. Оила муқаддаслигини тарғиб қилиш мақсадида мавжуд бино-иншоотлар, кўча номларини қайта номлаш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>июль</p> <p>август</p> <p>доимий равишда</p>	<p>“Оила” маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси</p>
23.	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда “Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби”да никоҳланувчи ёшларнинг тизимли ўқитилишини ташкил этиш.	<p>1. Барча туманларда ФХДЁ органлари ҳузурида “Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби” фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>2. Намунавий ўқув дастури ва жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. ФХДЁ органлари орқали никоҳланувчи ёшларнинг рўйхатини тузиш.</p> <p>4. Режа асосида ўқувларни ташкил қилиш.</p>	<p>2019 йил мобайнида</p> <p>июнь</p> <p>мунтазам</p> <p>режа асосида</p>	<p>Бухоро вилояти ҳокимлиги, “Оила” маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги</p>

24.	Мир Араб олий мадрасасида олий диний маълумотли хотин-қизлар тайёрлаш масалалари бўйича таклиф киритиш.	<ol style="list-style-type: none">1. Бугунги кунда отинойлик фаолияти билан шугулланаётган ва расман диний маълумотга эга бўлмаган, ўқиш истагини билдирган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш.2. Таълим муассасаларининг ҳар йиллик квотасини белгилаш.3. Ўқиш истагида бўлган хотин-қизлар билан суҳбатлар асосида ўқишни ташкил қилиш.	2019 йил июнь июль август-сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
25.	Бухоро шаҳар, Олот, Гиждувон ва Қоракўл туманларини “салбий ҳолатлардан холи ҳудудга айлантириш” бўйича аниқ чораларни белгилаш.	<ol style="list-style-type: none">1. Хотин-қизлар ўртасида салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича ҳар бир туман бўйича алоҳида тадбирларни белгилаш.2. Бухоро шаҳар, Олот, Гиждувон ва Қоракўл туманларининг ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни таҳлил қилиб бориш.3. Натижаларига қараб бошқа ҳудудларга татбиқ қилиш чораларини белгилаш.	2019 йил июнь ҳар ойда режага кўра	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши

2019 йилда Бухоро вилоятида ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашнинг йўналишлар бўйича
ТАҚСИМОТИ

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Маҳаллалар сони	Ишсиз аёллар сони	Инвестиция дастури лойиҳалари бўйича	Йўналишлар бўйича			Ипакчилик	Томорқаччилик	Хунармандчилик	Тикувтрикотаж
					Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш				
1.	Бухоро тумани	36	1005	194	0	178	16	312	350	89	60
2.	Бухоро шаҳар	65	2335	1113	1096	9	8	0	20	1202	0
3.	Вобкент тумани	44	1212	512	383	86	43	350	230	80	90
4.	Жондор тумани	52	1488	716	237	438	41	305	334	61	72
5.	Когон тумани	21	683	243	45	174	24	270	60	50	60
6.	Когон шаҳар	21	525	130	74	4	52	0	0	395	0
7.	Олот тумани	38	887	119	55	42	22	465	180	23	100
8.	Пешку тумани	37	1054	235	3	214	18	425	222	42	130
9.	Ромитан тумани	45	902	321	0	321	0	246	178	77	80
10.	Шофиркон тумани	50	1644	219	63	71	85	1184	120	21	100
11.	Қорақўл тумани	50	1445	382	372	0	10	785	180	38	60
12.	Қоровулбозор тумани	7	234	81	43	38	0	0	28	25	50
13.	Ғиждувон тумани	74	3586	360	263	71	26	2470	498	158	100
	Жами	540	17000	4625	2634	1646	345	6812	2400	2261	902

2019 йилда Бухоро вилоятида ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

T/p	Лойиха ташаббускори	Лойиханинг номи	Лойиханинг йўналиши	Хизмат кўрсатувчи тижорат банки	Яратиладиган иш ўринлари	Ишга жойлаштириладиган хотин-қизлар
Вилоят бўйича жами 316 та лойиха					22 436	17 000
Бухоро тумани						
1	“Property Industry” МЧЖ	Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қуришиш ва кадоклашни ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	150	54
2	“Buxara Gold” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	40	15
3	“Buxoro Agro Eksport Group” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Ўзсаноатқурилиш банк”	50	20
4	“Inshoot Turxoll” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	30	10
5	“Buxoro interkontinental” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Турон банк”	10	3
6	“Hasan Husan Mironshox” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	30	10
7	“Murodbobo Jasur” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	20	8
8	“Saydullo Ravshanbek kelajagi” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	20	8
9	“Бухоро Махсус Сув Қурилиш” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека-банк”	15	5
10	“Sharq zamin fayz invest” фермер хўжалиги (таъсисчи “Eksport fud fast” МЧЖ)	Замонавий иссиқхона ташкил қилиш	Қишлоқ хўжалиги	“Қишлоқ қурилиш банк”	30	10
11	“Bukhara Best Green House” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	10	3
12	“Sirius Buxara” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	10	3
13	“Green Plantations” МЧЖ	Замонавий иссиқхона қуриш	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека-банк”	16	5
14	“FAYZ CHORVO BARAKA OMAD” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	20	8
15	“Паранда Файз Барака” МЧЖ	Замонавий иссиқхона қуриш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	24	10
16	“Afruz karavan trans” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	10	3
17	“Azizbek Jamshid Agro Servis” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	12	3

18	“Жамшид Худойберди” фермер хўжалиги	Маиший хизмат ва савдо мажмуасинин ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Агробанк”	20	8
19	П.Набиев тадбиркор	Миллий хунармандчилик ва савдо хизматлари	Хизмат кўрсатиш	“Агробанк”	20	8
20	Бухоро вилояти худудий “Агропилла” МЧЖ	Пилла етиштириш	Пиллачилик		312	312
21	Вилоят деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши	Томорка хўжалиги	Томоркачилик		350	350
22	“Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси	Хунармандчилик	Хунармандчилик		89	89
23	Бухоро вилояти ҳокимлиги	Тикув-трикотаж	Тикув-трикотаж	тижорат банклари	60	60
Бухоро шаҳар						
24	“Buxoro cotton tekstil” МЧЖ	Швейцария, Бельгия ҳамда Япония компаниялари технологияси асосида экспортбop калава ип, ип-газлама, деним (жинси) матоси ва тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	Миллий банк	850	750
25	“Делюкс Фабрик” МЧЖ	Бельгия компанияси технологияси асосида экспортбop газлама ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	“Ўзсаноатқурилиш банк”	40	20
26	“UZ PROM TEXTILE” МЧЖ	Бельгиядан келтирилган ускуналар ёрдамида паплин мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	“Ўзсаноатқурилиш банк”	100	50
27	“Муҳаббат Хайри Саховат” МЧЖ	Меҳмонхона хизматини ташкил қилиш	Хизмат кўрсатиш	Миллий банк	50	5
28	“Синёвуш Текстиль Бухоро” кўшма корхонаси	Акрил ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Саноат	“Агробанк”	340	240
29	“Mirfayz Parfum invest” хусусий корхонаси	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда омбухона ташкил этиш	Саноат	Миллий банк	50	20
30	“Жамшид Жавоҳир Агротех Сервис” МЧЖ	Замонавий иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека-банк”	10	4
31	“Асл Бухоро текс” МЧЖ	Бўз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Саноат	Миллий банк	20	10
32	“Абдумалик Курувчи Файз” МЧЖ	Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Саноат	“Агробанк”	10	3
33	“Бухоро сабзавот ва мевалари” фермер хўжалиги	Замонавий иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека-банк”	15	5
34	“Бухоро Олимпия Спорт” хусусий корхонаси	Савдо мажмуасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Агробанк”	10	3
35	«Euro stroy global plus» МЧЖ	Пенопласт маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Саноат	“Ҳамкор банк”	10	3
36	Вилоят деҳқон, фермер хўжаликлари	Томорка хўжалиги	Томоркачилик		20	20

	ва томорқа ер эгалари кенгаши					
37	“Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси	Хунармандчилик	Хунармандчилик		1202	1202
Вобкент тумани						
38	“Вобкент тола кластер” МЧЖ	Калава ип ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	“Агробанк”	360	350
39	“Вобкент бозор қурилиш” МЧЖ	Замонавий бозор ташкил этиш	хизмат кўрсатиш	Миллий банк	100	30
40	“Ваҳор Garden” МЧЖ	Лимончилик агро кластерини ташкил қилиш	Қишлоқ хўжалиги	“Турон банк”	50	45
41	“Quelle Mineral Bukhara” МЧЖ	Қувур ва профиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	Миллий банк	10	3
42	“Umid Oil” МЧЖ	Ёғ-мой ва озуқа-ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш (хом-ашё)	Саноат	“Агробанк”	5	2
43	“Дилдора” МЧЖ	Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси ташкил этиш (метан)	Хизмат кўрсатиш	“Ҳамкор банк”	30	3
44	“Аббос Сарвар истикболи” МЧЖ	Пеноблок, юпка профил ҳамда шлакаблок ишлаб чиқариш	Саноат	“Халқ банки”	12	5
45	“Халим Ойбек” МЧЖ	Замонавий қушхона ташкил этиш	Саноат	Миллий банк	10	2
46	“Вобкент ёқилғи савдо” хусусий корхонаси	Қариялар чойхонаси ва дам олиш маскани	хизмат кўрсатиш	“Капитал банк”	8	3
47	Фуқаро Наврўзов Маъмур	Қариялар чойхонаси ва дам олиш маскани	хизмат кўрсатиш	“Халқ банки”	20	6
48	“Шарқ Савдо Уйи” МЧЖ	Диагностика хизматларини ташкил қилиш	Хизмат кўрсатиш	“Капитал банк”	5	1
49	“Вобкент Агромаҳсулотлари” МЧЖ	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш	Саноат	Миллий банк	14	7
50	“Бехруз Намоз Махмуд Муроджон” МЧЖ	Чорвачиликни ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	3	1
51	“Саъдулло” фермер хўжалиги	Чорвачиликни ривожлантириш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	4	1
52	“BUKHARA INVEST INPEXS” МЧЖ	Музлатгич ва мева қуришти мажмуасини ташкил этиш	Саноат	Миллий банк	10	5
53	“Омон Мумтоз” МЧЖ	Ҳар хил турдаги пайпоқлар ишлаб чиқариш	Саноат	Миллий банк	10	6
54	“Илхом Дилдора Муккадас” МЧЖ	Музлатгичли омборхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	8	3
55	“Rahor Garden” МЧЖ	Иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Турон банк”	6	3
56	“Quelle Mineral Bukhara” МЧЖ	Совуткичли сифимлар ташкил қилиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	5	2
57	“Муҳаммад Яхшимурод Саховати” фермер хўжалиги	Чорвачиликни ривожлантириш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	3	1
58	“Фарм актив” МЧЖ	Атир гул плантацияларини етиштириш	Қишлоқ хўжалиги	“Ҳамкор банк”	40	30
59	“DILNUR ELNUR ROMLARI” МЧЖ	МДФ эшик-деразалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	Саноат	“Агробанк”	4	1

60	“Раззокова Зарнигор” онлайн корхона	Сутни қайта ишлашни ташқил этиш	Саноат	“Агробанк”	5	2
61	Бухоро вилояти худудий “Агропилла” МЧЖ	Пилла етиштириш	Пиллачилик		350	350
62	Вилоят деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши	Томорка хўжалиги	Томорқачилик		230	230
63	“Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси	Хунармандчилик	Хунармандчилик		80	80
64	Бухоро вилояти хокимлиги	Тикув-трикотаж	Тикув-трикотаж	тижорат банклари	90	90
Жондор тумани						
65	“Агро траде” МЧЖ	Иссиқхона ташқил қилиш (гидропоника усулида)	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека- банк”	180	150
66	“Глобал Мега Текстиле” МЧЖ	Ип-йигирув ва сочик ишлаб чиқариш	Саноат	“Агробанк”	120	110
67	“Агро траде” МЧЖ	Замонавий кўринишдаги интенсив боғ ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Ипотека- банк”	220	180
68	“Parmis Muller” МЧЖ	Мева-сабзавотларни қуриштириш ва кадоқлаш ҳамда замонавий иссиқхона ташқил этиш	Саноат	“Алоқабанк”	55	45
69	“EVROSNAR” МЧЖ	Кир совун ишлаб чиқаришни ташқил этиш	Саноат	“Алоқабанк”	25	15
70	“Лазизжон қурилиш сервис” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	18	14
71	“Bizness Invest Saxovat” МЧЖ	Терини қайта ишлаш	Саноат	“Халқ банки”	10	3
72	“Atu Vuxara” МЧЖ	Алюминий чиқиндисини қайта ишлаб хўжалик моллари (қозон), автомобиллар дискаси, электр кабеллар ишлаб чиқариш	Саноат	“Халқ банки”	20	5
73	“Саломат Сухроб Зиё Фарм” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	15	10
74	“Жондор Голд Метан” МЧЖ	Мотель хизмати лойиҳасини ташқил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Қишлоқ қурилиш банк”	16	6
75	“Аржуманбону Чорваси” фермер хўжалиги	Паррандачилик фаолиятини ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	25	20
76	“Шоҳ Султон Пўлот” фермер хўжалиги	Чорвачилик фаолиятини ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	8	4
77	“Muhammad Agro fruit” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	20	15
78	“Yashnar Zamin” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташқил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	30	25
79	“Агрологистик Транс Сервис” МЧЖ	Логистика маркази негизда транспорт хизматини ташқил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Асака” банк	5	1

80	“Чинор” фермер хўжалиги	Бройлер фабрикани кенгайтириш	Қишлоқ хўжалиги	“Алоқабанк”	10	7
81	Фуқаро Мухтарова Мохигул Хафизовна	Мотель хизмати лойихасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Инфинбанк”	12	5
82	“Бухоро Сифатли Ун” МЧЖ	Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Саноат	“Халқ банки”	10	5
83	“ШИЖОАТ-ТЕКСТИЛ-МАШ” МЧЖ	Момик сочик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш	Саноат	“Ҳамқор банк”	10	5
84	Фуқаро Шарипов Феруз Хусенович	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш	Хизмат кўрсатиш	“Халқ банки”	6	2
85	“Фаррух Гулрух Бобир” МЧЖ	Курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш (ганж ва гипс маҳсулотлари)	Саноат	“Микрокредит-банк”	15	3
86	“Жондор Мерв” МЧЖ	Олтингугурт кукунини қайта ишлаш	Саноат	Миллий банк	12	5
87	“Ўртачўл Мева Сабзавот” МЧЖ	Замонавий иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Микрокредит-банк”	10	7
88	“Бухоро Нефтгаз Инвест Строй” МЧЖ	Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи	Саноат	“Микрокредит-банк”	16	5
89	“Мироншоҳ Жавоҳир” МЧЖ	Савдо мажмуасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Микрокредит-банк”	3	1
90	“Эъзоз Мебеллари” МЧЖ	Мебель ишлаб чиқариш	Саноат	“Халқ банки”	7	2
91	“Жондор продукция” МЧЖ	Гофра қувур ишлаб чиқариш	Саноат	“Инфинбанк”	10	4
92	“Дилдорбегим” нодавлат таълим муассасаси	Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Ипотека-банк”	10	5
93	“Мадина Мирзо” нодавлат таълим муассасаси	Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Ипотека-банк”	10	5
94	“Шахбоз Феруз ўғли” хусусий корхонаси	Қўшимча замонавий гишт пишириш хумдонн куриш ва таъмирлаш	Саноат	“Савдогар банк”	4	1
95	“Шерниёз” фермер хўжалиги	Омукта ем грануласи ишлаб чиқариш	Саноат	“Халқ банки”	5	1
96	“TAMARA MO'MINOVA” нодавлат таълим муассасаси	Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Ипотека-банк”	10	5
97	“Сайит Хайит Шахзодбек” МЧЖ	Тоза ичимлик сувни казиб чиқариш ва кадоқлаш	Саноат	“Микрокредит-банк”	4	1
98	“Қоровулбозор Мироншоҳ” МЧЖ	Савдо мажмуаси куриш	Хизмат кўрсатиш	“Микрокредит-банк”	3	1
99	“Мироншоҳ Безруз Феруз” МЧЖ	Мол сўйиш хизмати	Хизмат кўрсатиш	“Микрокредит-банк”	6	1
100	“Жондор Дехкон Кимё Сервис” УК	Тикувчилик хизматини ташкил этиш	Саноат	“Агробанк”	20	18
101	“Бодом Гулноз Транс Сервис” МЧЖ	Транспорт хизмати (юк ташини) хизматини кенгайтириш	Хизмат кўрсатиш	“Асака” банк	5	1
102	“Нуриддин Файзулло Бахшулло Сарварбек” МЧЖ	Чорвачилик фаолиятини ташкил этиш (майда шохли)	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	4	1
103	“Абдурахмон Сулаймон Акбар” МЧЖ	Тара (идиш) ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Саноат	“Ўзсаноаткурилиш банк”	10	3

104	“Шодмонбек Умеджон Санжар” МЧЖ	Бугдойни қайта ишлаб, ун ишлаб чиқариш	Саноат	“Савдогар банк”	4	1
105	“Имронабону” нодавлат таълим муассасаси	Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш	Хизмат кўрсатиш	“Ипотека-банк”	8	4
106	“Жондор Момик текс” хусусий корхонаси	Пайпок ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Саноат	“Микрокредит-банк”	5	3
107	“Жондор Саид Омад қурилиш” МЧЖ	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	Саноат	“Савдогар банк”	5	2
108	Фуқаро Рўзиев Жамшид	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш	Хизмат кўрсатиш	“Микрокредит-банк”	10	4
109	“Жондор Чашмаси” МЧЖ	Чорвачилик фаолиятини ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	10	4
110	“Тешакул” фермер хўжалиги	Чорначилик фаолиятини ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Халқ банки”	3	1
111	Бухоро вилояти ҳудудий “Агротилла” МЧЖ	Пилла етиштириш	Пиллачилик		305	305
112	Вилоят деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	Томорқа хўжалиги	Томорқачилик		334	334
113	“Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси	Хунармандчилик	Хунармандчилик		61	61
114	Бухоро вилояти ҳокимлиги	Тикув-трикотаж	Тикув-трикотаж	тижорат банклари	72	72
Когон тумани						
115	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бухоро минтакавий темир йўл узели УК “Янгиобод” кўп тармокли наслчилик чорва комплекси	Чорвачиликни ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	Миллий банк	100	25
116	“Aziya Oil Integral” МЧЖ	Кунгабоқар (писта) мойини ишлаб чиқариш	Саноат	Хизмат кўрсатувчи тижорат банк	95	20
117	“Aslonobod Plus” МЧЖ	Замонавий энергияни тежайдиган иссиқхона ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги	“Асака” банк	30	15
118	“Technika Servis Markazi” МЧЖ	Қишлоқ хўжалиги техникаси учун зарур жиҳозлар ишлаб чиқариш	Саноат	“Агробанк”	50	5
119	“Муҳаббат Хайри Саховат” МЧЖ	Меҳмонхона хизматини ташкил этиш	хизмат кўрсатиш	Миллий банк	70	24
120	“Омад кумушкент” МЧЖ	Ип-газлама ишлаб чиқаришни кенгайтириш	Саноат	“Алокабанк”	30	20
